

Укувчининг исм-фамилияси _____ синфи _____

1-қисм.**№1.** Камбағал сўзнинг антоними билан синоним бўла оладиган иборани топинг.

- а) кўзи оч б) назари тўқ в) бели бақувват г) қўли очик

№2. *Козимбек оғир табиатли йигит эди.* Ушбу гапдаги табиат сўзининг маъноси қайси жавобда кўрсатилган ?

- а) кайфият б) дид в) характер г) одат

№3. Келишик қўшимчаларининг вазифаси нимадан иборат?

- а) сўзларни бир-бирига боғлайди б) сўзларга маъно юклайди
-
- в) янги сўз ясайди г) сўз шаклини ўзгартиради

№4. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар қаторини кўрсатинг.

- а) –к, -ак, -ги, -кич, -дор б) –дўз,-паз, -шунос, -кор
-
- в) –лик,-чилик,-гарчилик г) –лоқ,-зор,-истон,-хона

№5. Ясама отлар қаторини аниқланг.

- а) қаламкаш, ўрикзор, мактабга, ватаним б) синфдош, ошпичок, кўкламзор, бедапоя
-
- в) қаламча, китобхон, журналист г) укамга, онамиз, озодлик, хуррият

№6. Фақат мавҳум отлар берилган қаторни аниқланг.

- а) севги, қувонч, бахт, озодлик б) бино, осмон, ер, зилзила
-
- в) инқилоб, байрам, ун, сув г) нефть, газ, тупроқ, баҳор

№7. Жамловчи отлар берилган қаторни топинг.

- а) дафтар, дарахт, уй б) гуруҳ, аҳоли, армия
-
- в) бола, қалам, китоб г) гул, майса, дераза

№8. *Араванинг ўқи ярим йўлда синиб қолса бўладими.* Ушбу гапдаги кўчма маънода қўлланган сўзни топинг.

- а) арава б) ўқи в) ярим г) йўл

№9. Ибора қатнашган гап қайси қаторда берилган ?

- а) Кампир ип йигираётиб, калавасининг учини йўқотиб қўйди.
-
- б) Уч кун ўтиб, Ўразали қайтиб келди.
-
- в) Сиз ишга аралашсангиз, калавамнинг учини йўқотиб қўяман.
-
- г) Ҳеч қайси гапда ибора қўлланмаган.

№10. Қайси касбга оид сўзлар берилган?*Тархкаш, пилтакач, бичиқчи*

- а) дурадгорлик б) наққошлик в) пойабзалдўзлик г) чеварчилик

№11. Феъллардаги шахс-сон қўшимчалари қўшимчаларнинг қайси турига мансуб?

- а) сўз ўзгартирувчи б) сўз ясовчи
-
- в) шакл ясовчи г) эгалик қўшимчалари

№12. Қайси сўзда-чилик қўшимчаси иккига ажралади?

- а) озчилик б) каттачилик в) теримчилик г) ошначилик

№13. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар...

- а) эгалик ва келишиқ қўшимчалари б) эгалик, келишиқ, шахс-сон
в) замон, майл, нисбат қўшимчалари г) янги луғавий маъно ҳосил қилувчи қўшимчалар

№14. Самолётсозликнинг сўзидаги фақат сўз ясовчи қўшимчалар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- а) -соз, -лик б) -соз, -лик, -нинг в) -соз г) –лик, -нинг

№15. Қайси қаторда сўз ясовчи қўшимчалар берилган?

- а) – ни, - нинг, - га, - да б) – чи, - дош, - ди, - яп
в) – ли, - ла, - паз, - та, - тача г) – к, - ак, - ма, - уқ, - гич

№16. Фақат бирликда қўлланадиган отлар қаторини аниқланг.

- а) журнал, газета, сув б) нон, туз, гул
в) дала, сут, китоб, газ г) ун, шакар, гуруч

2-қисм.

Ўқиш ва тушуниш

Матн 1.

Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг

Текинхўрнинг жазоси (эртақ)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир ёш асалари бор экан. У ҳар нарсага қизиқувчанлиги учун онасига доим қизиқ-қизиқ саволлар берар экан. У бир куни инидан чиқиб, гўзал табиатни томоша қилиб ўтирганда, кўзи пастда юрган одамларга тушибди, онасидан: “Ойи улар нима?”- деб сўрабди. Шунда онаси: “Улар –одамлар. Биз асаларилар, одамларга доимо асал йиғиб берамиз. Одамлар биздан хурсанд бўлишади. Улар жуда меҳнаткаш. Аммо уларнинг орасида ҳам биз, асаларилар, ичида бўлгани каби дангаса, ишёқмаслар ҳам учрайди. Сен эса, болагинам, ҳали ёшсан, улғайиб, буларнинг ҳаммасини билиб оласан. Сен доим меҳнаткаш бўлгин, қовоқари каби ишёқмас, текинхўр бўлма”, -деб насиҳат қилибди.

Асаларича аста-секин улғая бошлабди. Нима бўлибди-ю, унинг онаси қаттиқ бетоб бўлиб қолибди. Шунда онаси уни чақириб: “Болам, мен касал бўлиб қолдим. Мен соғайгунимча ўзинг асал йиғиб келасан” –дебди. Асаларича онасини уйда қолдириб, асал йиғиш учун учиб кетибди.

У хаш-паш дегунча ширали гуллардан анча асал йиғибди. Онасининг олдига ашула айтиб қайтаётса, катта бир қовоқарига дуч келибди. Қовоқари асаларининг йўлини тўсиб: “Ҳойнаҳой асал йиғиб келаётгандурсан. Қани асалингни чўз! Бўлмаса ҳозир кунингни кўрсатиб қўяман. Мен ариларнинг энг ботири, кўркмаси –қовоқари бўламан. Яхшиликча аслингни чўз”, -деб ўшқирибди. Асаларича ноилож асални қовоқарига берибди ва яна бошқатдан асал йиғиш учун учиб кетибди. Қовоқари эса очкўзлигига бориб, қорни тўйса ҳам асални еяверибди, еяверибди. Охири бўкиб қолибди.

Кеч бўлиб қолгани учун асаларича озгина асал йиғиб уйга қайтаётса, кўзи ерда ўлиб ётган ўша қовоқарига тушибди. У уйига келгач, бўлган воқеани онасига айтиб берибди. Шунда онаси: “Кўрдингми, болам, текинхўрлик, дангасалиқ оқибати қандай ёмон. Буни асло ёдингдан чиқарма”,- дебди. (244 сўз).

№17. Она асаларининг боласига қилган насиҳати қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) меҳнаткаш бўлгин, текинхўр бўлма б) кўрқоқ бўлма
в) одамларга яхшилик қил г) очкўз бўлма

№18. Она асалари боласига қандай топширик берди?

- а) Одамларни хурсанд қил б) Мен соғайгунимча ўзинг асал йиғиб кел
в) қовоқаридан қўрқма г) кеч бўлмасдан уйга қайт

№19. Ёш асалари йўлда нимага дуч келди? _____

№20. Текинхўр қандай жазо олди? _____

Матн 2.

Матнни ўқинг ва топширикларни бажаринг.

Беҳи



Беҳи-атиргулдошлар оиласига мансуб, бўйи 12 метргача борадиган серхош дарахт. Барглариининг банди калта, шохларда кетма-кет жойлашган. Меваси тукли, сариқ ёки тиллоранг, залворли бўлиб, ҳатто 3кг вазнга эга бўлганлари ҳам учрайди.

Меваларининг кўриниши юмалоқ ёки бир озъ чўзик бўлиши мумкин. Мева етилиб пишганида сершира бўлади.

Беҳи мевасининг шифобахшлиги қадим замондан маълум. Меваси таркибида қанд, органик кислоталар, эфир мойлари, ошловчи моддалар, витамин С, темир, мис, калций тузлари мавжуд.

Халқ табобатида беҳи мевасининг шарбати билан астма, шамоллаш, юрак, сариқ, хикичок, корин оғриғи, дизентерия касалликларини даволашган. Бундан ташқари, беҳидан дармонсизлик, камқонлик, йўтал, меъда, жигар, буйрак касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади.

Беҳи республикаимизнинг жанубий-ғарбий қисмларида кўплаб экилади, парваришланади.

Беҳининг турлича хиллари бор. Таъми ширин, нордон, аччик, серсув. Беҳи Ўрта Осиё тупроқларида яхши ўсади. Хосилдорлигини ошириш учун алоҳида парваришга унчалик муҳтож бўлмайди. Беҳидан турли хил таомлар, димламалар пиширилади. Шу билан биргаликда беҳидан шарбат, мураббо, қишда қўллаш учун тузламалар тайёрлаш мумкин. Бу мева куз фаслида йиғиб олинади. Қиш ўрталаригача, ҳатто баҳор киргунича ҳам сақланади. (161 сўз)

№21. Сиз қандай беҳи навларини биласиз?

№22. Беҳини қандай пишириб истеъмол қилишни ёқтирасиз? Шулар ҳақида маълумот ёзинг. _____

№23. Беҳи қандай оилага мансуб?

- а) попукилдизлар оиласига б) атиргулдошлар оиласига
в) ўқилдизлар оиласига г) тўғри жавоб йўқ

№24. Беҳи меваси қандай касалликларга даво. Тўлиқ жавобни белгиланг.

- а) астма, шамоллаш, юрак, сариқ, хикичок, қорин оғриғи, дизентерия.
б) юрак, шамоллаш, йўтал
в) дармонсизлик, камқонлик, йўтал, меъда, жигар, буйрак
г) а ва в жавоб тўғри.